ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИГА КИЗГИН САЛОМ!



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 225 (11.974)

Якшанба, 24 сентябрь 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

ЭРТАГА Тошкентда Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди очилади. Съезд партия ва мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят катта шонли воқеа арафасида — КПСС XXII съездига қизғин тайёргарлик бораётган. Халқимизнинг сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайрат-ташаббуси мислсиз ўсган шодиёна кунларда тўпланмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди қуйидаги масалаларни муҳокама қилади:

1. КПСС Программасининг проекти ҳақида доклад.
2. КПСС Уставининг проекти ҳақида доклад.
3. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади.
4. Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади.
5. Ўзбекистон Компартиясининг Марказий органларини сайлаш.

Республикамиз большевиклари ўз партия съездига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг Никита Сергеевич Хрущчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитети атрофига янада маҳкам жипслашган, коммунизм қурилишининг янги улуғвор программасини зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан амалга оширишга тайёр турган ҳолда келдилар. Улар республикамиз меҳнаткашларининг иродаси ва ҳис-туйғуларини ифодалаб, КПСС Программаси ва Устави проектларини баланд руҳ ва яқдиллик билан қизғин маъқулладилар, бу тарихий ҳужжатларни марксизм-ленинизм фанини ижодий ривожлантириш, социализм қурилишдаги ғоят бой тажрибаларни чуқур ва ҳар томонлама умумлаштириш намунасидир, деб таъкидладилар.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон партия ташкилоти сон жиҳатдан ўсди, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқди. У КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг ғоят катта кундалик ёрдамига таянди, ўз иш услуби ва методларини такомиллаштира бориб, кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳнат соҳасидаги ғайрат ва ташаббусини, сиёсий активлигини республикамиз олдида турган хўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этди. социалистик Ўзбекистонда халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг янги ва янада кучли юксалишини таъминлади.

Социалистик саноат республикамиз халқ хўжалигининг етакчи тармоғидир. Саноат ходимларининг куч-ғайрати билан ҳар йили давлат планлари муддатидан илгари оширилиб бажарилмоқда ва пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда қора ва рангли металлургия, газ ва кимё саноати маҳсулотлари, мураккаб станок ва машиналар, кўмир ва нефть ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат ишлаб чиқаришининг 70 дан ортиқ тармоғи бор. Қудратли энергетика базаси ва қурилиш индустриясига эга бўлган Ўзбекистон эндиликда газ саноатининг энг йирик маркази бўлиб қолмоқда. Республикамиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақат Совет Иттифоқининг қардош республикаларигагина эмас, шу билан бирга кўпгина чет эл мамлакатларига ҳам юборилмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда пахта ва бошқа техника экинлари ҳосилини етиштиришни ҳар томонлама кўпайтиришдек фахрли ва масъулиятли роль ўз зиммаларига тушганлиги билан фахрланадилар. Республикамиз пахта, пилла, луб экинлари пояси, қорақўл териси етиштиришда Иттифоқда етакчи ўринда боришда.

Ҳисобот даврида халқ хўжалиги барча тармоқларининг тўхтовсиз ўсиши билан бир қаторда ишчилар синфининг ва совет интеллигенциясининг сони ҳам ўсди ҳамда Ўзбекистон меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси янада юксалди. Олий ва ўрта таълимнинг, фан ва матбуотнинг ривожланиши, театрлар, клублар, кутубхоналар, медицина муассасаларининг кўплиги жиҳатидан ҳозир республикамиз ўзига қўшни бўлган Шарқ мамлакатларидагина эмас, балки Ғарбдаги тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди.

СССР халқларининг тенг ҳуқуқли қардошлик оиласида туриб, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданиятини гуллаб-яшнатишга ва иқтисодий жиҳатдан мисли кўрилмаган даражада юксалишга муваффақ бўлган ўзбек халқи ўз жонажон республикасининг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришган барча буюк мақсади ва коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг байроғи деб қабул қилади. Партия барча коммунистларни, бутун совет халқини ўз куч-ғайратларини Программада белгиланган тарихий вазифаларни муваффақият билан бажаришга сарф қилишга чақиради.

Республикамизнинг барча бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишлар, район, шаҳар ва область партия конференциялари бу чақириққа жавобан кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида янги меҳнат кўтаринкилиги вужудга келганлигини, КПСС XXII съезди шарафига кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа янги куч билан ривожланаётганлигини кўрсатди. партия қаторларининг метинлек мустаҳкамлигини ва монолит жипслигини ёрқин намойиш қилди. Бу йиғилиш ва конференцияларда ютуқлар қайд қилиниши билан бирга саноат, транспорт, қурилишга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда йўл қўйилган жиддий камчиликлар қаттиқ танқид қилинди, уларни бартараф қилиш йўллари белгиланди. Ўзбекистон Компартияси XVI съездининг делегатлари асосий эътиборни ҳали ҳал қилинмаган вазифаларни бажаришга, омма ўртасида олиб бориладиган жонли ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада кучайтириш, партия ташкилотларининг хўжаликка раҳбарлик қилиш услубини янада яхшилаш ва такомиллаштириш, ижрони текширишни яхши йўлга қўйиш ва топширилган иш учун ҳар бир қисмини ташкил этган социалистик давлатлар бутун ташқи сиёсий фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этганлиги туфайли ана шу ҳол жаҳондаги воқеаларнинг ривожланиши учун айниқса катта аҳамиятга эга бўлади.

Н. С. Хрущчев Совет ҳукумати халқаро аҳвол ёмонлашганлиги ва уруш хавфи борлигидан ташвишланиб баён қилинган фикрларга тамомила қўшилади, деб уқтириб ўтади. Н. С. Хрущчев айтадики, бундай аҳвол ўз-ўзича вужудга келмади; бу — тинчликнинг мустаҳкамланишидан асло манфаатдор бўлмаган муайян кишилар фаолиятининг натижаси бўлди. Урушнинг пайига тушган ва урушга тортаётган доиралар НАТОда аъзо бўлган давлатларнинг сиёсатига тобора кўпроқ таъсир кўрсатаётганлигини айтиб ўтмай иложи йўқ. НАТОда қатнашувчи баъзи мамлакатлар асосий ва кечиктириб бўлмайдиган масала — Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги масаладан кучларни ҳалэтиш синовидан ўтказиш учун фойдаланиш ниятидан ҳам қайтмаётирлар.

Н. С. Хрущчев яна қуйидагиларни ёзади: барча давлатлар билан дўст бўлиб яшаш, жаҳонда қурол-яроғсиз яшаш, урушларсиз тинч яшаш — бизнинг энг буюк ва муқаддас истагимиздир. Шу сабабли биз жаҳоннинг тақдири учун жавобгар бўлган давлат арбоблари бирдан-бир тўғри қарор қабул қилсинлар — иккинчи жаҳон урушининг оқибатларига хотима берилсин, давлатларнинг ҳарбий машинаси бутунлай емириб ташлансин, барча қуроллар, шу жумладан ядро қуроли ҳам бутунлай қилинсин, деб қаттиқ талаб этмоқдамиз. Бу ҳол ядро қуроли синовлари тўғрисидаги масалани ҳам тамомила кун тартибидан олиб ташлаган бўлур эди.

(Охири тўртинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билдирадики, **Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди эртага, 25 сентябрь эрталаб соат 10 да Навоий номидаги театр биносида очилади.**

Делегатлар бугун, 24 сентябрь куни эрталаб соат 10 дан кеч соат 10 гача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биносида рўйхатга олинади.

Эртага, 25 сентябрда делегатлар эрталаб соат 8 дан **Навоий номидаги театр биносида рўйхатга олинади.**

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ саноат корхоналарида Ўзбекистон Компартиясининг икки съезди орасида маҳсулот ишлаб чиқариш бешёс кўпайди. Кейинги бир ярим йил мобайнида маҳсулот тайёрлаш ҳажми олдинги шу муддатдагига нисбатан 28,4 процент ошди. Бу етти йилликнинг контроль рақамларида белгиланганидан анча кўпдир.

ТОШКЕНТ ШАҲАР саноат корхоналари бир йил-у олти ойда плондан ташқари 52 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу даврда маҳсулот ҳажми деярли 20 процент, меҳнат унумдорлиги 12 процент ошди.

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ саноат корхоналари 8 ойлик планни бажариб, планга қўшимча 10,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлади. Областда кейинги бир ярим йилда қорамоллар 51 минг бош, қўйлар 322 минг бош, чўчқалар 49 минг бош кўпайди.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг ва ғўза баргини тўктиришнинг бориши тўғрисида 1961 йил 23 сентябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш ва ғўза баргини тўктириш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш	Ғўза баргини тўктириш
	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими		
Андижон	1,62	31,24	1,48	25,98	25,5
Сурхондарё	1,43	30,27	3,30	21,45	41,2
Хоразм	1,72	26,40	0,05	6,70	39,7
Самарқанд	1,77	25,86	1,73	15,13	55,1
Фарғона	1,34	25,31	0,30	12,36	2,9
Бухоро	1,72	24,03	0,37	14,76	27,6
Тошкент	1,76	21,80	2,55	15,47	61,2
Қорақалпоғистон АССР	1,06	19,33	0,08	6,60	51,8

ТОШКЕНТ область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, давлатга 171.405 тонна луб экинлари пояси сотдилар, йиллик план 100,8 процент бажарилди.

КАРШИ РАЙОНИДАГИ Карл Маркс номли колхоз аъзолари Ўзбекистон Компартияси XVI съезди арафасида давлатга гўшт сотиш йиллик планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Чорвадорлар давлатга 403 центнер гўшт сотдилар.

ЎЗБЕКИСТОН Компартиясининг XVI съезди очилиш кунида Бешкент районидаги Ленин номли колхоздан ғалаба рапорти келди. Унда айтилишича, колхоз давлатга пландаги 125 тонна ўрнига 153,4 тонна сут сотиб, йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

ҚЎШИЛМАГАН МАМЛАКАТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ МАКТУБИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ

Н. С. ХРУШЧЕВнинг жавоби

Қўшилмаган мамлакатларнинг Белград конференциясида қатнашган давлат ва ҳукуматларнинг бошлиқлари СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущчевга мактуб билан мурожаат қилдилар. Улар бу мактубда халқаро вазият ёмонлашганлигидан ҳамда ҳозирги вақтда инсониятга таҳдид қилаётган уруш бўлиши эҳтимоли борлигидан ғоят ташвишланаётганликларини билдирадилар. Сиз, жаноб олийлари, дейилади мактубда, бундай фалокатнинг олдини олмоқ учун қўлингиздан келган ҳамма чорани кўришингизга аминмиз.

Мактубнинг авторлари жаҳонни уруш хавфидан халос қилиш ва инсониятнинг тинч ҳаёт йўлига ўтишини таъминлаш учун манфаатдор буюк давлатлардан музокараларни қайтадан бошлаш ва музокаралар олиб боришни илтимос қиладилар. Жумладан, Н. С. Хрущчев билан АҚШ президенти ўртасида бевосита музокаралар бошлансин, деб илтимос қилинади.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущчев Ҳиндистон бош министри Ж. Неруга юборган жавобида қуйидагиларни ёзади: Мен қўшилмаган 25 мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқлари Улар бу мактубда халқаро вазият ёмонлашганлигидан ҳамда ҳозирги вақтда инсониятга таҳдид қилаётган уруш бўлиши эҳтимоли борлигидан ғоят ташвишланаётганликларини билдирадилар. Сиз, жаноб олийлари, дейилади мактубда, бундай фалокатнинг олдини олмоқ учун қўлингиздан келган ҳамма чорани кўришингизга аминмиз.

Мактубнинг авторлари жаҳонни уруш хавфидан халос қилиш ва инсониятнинг тинч ҳаёт йўлига ўтишини таъминлаш учун манфаатдор буюк давлатлардан музокараларни қайтадан бошлаш ва музокаралар олиб боришни илтимос қиладилар. Жумладан, Н. С. Хрущчев билан АҚШ президенти ўртасида бевосита музокаралар бошлансин, деб илтимос қилинади.



СУРАТДА: Ўзбекистон Компартияси XVI съезднинг бир группа делегатлари.
И. Глауберзон фотоси.

ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ ТАМОМ БЎЛДИ

ФРУНЗЕ, 22 сентябрь, (ТАСС). Қирғизистон Компартияси XII съезди сайлаган Марказий Комитетнинг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалаларни қараб чиқди.

Т. У. Усубалиев Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, М. А. Гаврилов Марказий Комитетнинг иккинчи секретари. А. Қ. Қозоқбоев, В. Ф. Степкин, П. Е. Вакулов Марказий Комитет секретарлари қилиб сайланди.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

СТАЛИНОБОД, 22 сентябрь, (ТАСС). Бугун Тожикистон Компартиясининг XIV съезди очилди. Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Расулов Марказий Комитетнинг ҳисобот докладини қилди.

Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладидан кейин музокаралар бошланди. Тожикистон Компартиясининг XIV съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Партия халқ учун яшайди,

Буюк истиқбол

О. МАҲМУДОВ
Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари

<>

Жонажон партиямиз, бутун совет халқи катта тарихий кунга — КПСС XXII съездига тайёрланмоқда. Бу съезд партиямиз тарихида янги муҳим воқеа бўлади. Унинг оламшумул-тарихий аҳамияти шундаки, Коммунистик партия раҳбарлиги остида социализмнинг узил-кесил ғалабасини таъминлаган қаҳрамон совет халқининг шонли зафарларига якун ясалади, СССРда коммунистик жамият қуришнинг илмий жиҳатдан асосланган улуғвор Программаси қабул қилинади.

КПСС янги Программаси ва Устави проектларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши барча совет кишилари билан бир қаторда Самарқанд область меҳнаткашларининг ҳам катта ижодий кўтаринкилигига сабаб бўлди. Замонамизнинг бу тарихий ҳужжатларини ижодий ўрганаётган ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциямиз партиянинг яқин келажакда коммунизмнинг модий-техника базасини вужудга келтириш йўлида чизиб берган режаларидан бениҳоя мамнун бўлмоқдалар.

Партиямизнинг XXII съезди яқинлашиб келмоқда. Эртага Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди очилади. Бу съездларга меҳнаткашлар томонидан тайёрланаётган меҳнат совғалари тобора кўпаймоқда. Съезд олди кунларида эълон қилинган коммунизм қурилиши даврининг ажойиб ҳужжатлари муносабати билан ҳамма жойда меҳнаткашларнинг сиёсий ва ишлаб чиқариш активлиги янада ўсиб кетди.

Областимиз саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1962 йилга мўлжалланган даражага 1960 йили етиб олдилар. Меҳнат унумдорлиги ошди. Контроль рақамларга кўра, область саноати етти йилликнинг дастлабки икки йили ичида ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 17,5 процент кўпайтириши керак эди. Меҳнаткашларнинг сиёсий ва ишлаб чиқариш активлиги ошганлиги натижасида бу ўсиш 30,2 процентни ташкил этди.

Саноат ходимлари ўтган йилги меҳнат зафарларини амалий иш билан мустаҳкамлаяптилар. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш плани 105,2 процент бажарилди. Пландан ташқари 10,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Темир йўл ва автомобиль транспорти тез ривожланиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини бажариш учун курашаётган саноат корхоналарининг коллективлари техника прогрессига эришиш, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш соҳасида анча иш қилдилар. Ўзбекистон Компартиясининг XV съездида В. И. Ленин номидаги «Красный двигатель» заводи қониқарсиз ишлаётганлиги, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги, маҳсулот таннархи ошиб бораётганлиги танқид қилинган эди.

Завод коллективи ва партия ташкилоти бу танқиддан тегишли хулоса чиқариб олди. Ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этиш асосида камчиликлар асосан тугатилди. Маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда, таннарх камаймоқда. Эндиликда бу завод область саноатининг илғор корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳўжалик йилининг биринчи ярмида заводнинг коллективи Ўзбекистон Халқ ҳўжалиги кенгаши корхоналари ўртасида давом этаётган мусобақада ғолиб чиқди. Қурувчилар ҳам ўз ишларида анча ютуқларни қўлга киритдилар. Улар КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига объектларни ишга туширишни кутиб олдилар. Областда капитал қурилиш ишлари ҳажми кенгайиб боряпти. Кўпгина ҳўжалик ва уй-жой бинолари қад кўтармоқда.

Бу йил областимиз қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. КПСС XXII ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездлари шарафига олинган социалистик мажбуриятга кўра Самарқанд области 402 минг тонна пахта, 45 минг 200 тонна гўшт, 61 минг тонна сут, 3200 тонна жун, 20 миллион 500 минг дона тухум, кўплаб сабзавот ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бериши керак.

Колхоз ва совхозлар КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларини бажариш учун курашиб, катта ишларни амалга оширдилар. Область далаларида ўз зиммамиздаги юксак мажбуриятни тўла қоплай оладиган даражада мўл пахта ҳосили етиштирилди. Биз шу йилнинг ўзидаёқ пахта ишлаб чиқариш бўйича 1965 йил даражасига етиб олиш учун кураш олиб боряпмиз.

Пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида прогрессив усуллар, пахтачиликдаги илғор агротехникани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш катта роль ўйнади. Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонини анча кенгайтиришга эришдик. Биргина Мирзачўл даштида ўзлаштирилган янги ер ҳисобига 7.400 гектар майдонга чигит экилди. 6.000 гектар янги ерда пахта етиштирган Герман Титов номли совхоз ишчилари шу йилнинг ўзида давлатга 10 минг тонна «оқ олтин» топшириш учун фидокорона меҳнат қиляптилар. Бу ҳўжаликда юқори сифатли ва арзон ҳосил етиштириш йўли билан биринчи йилдаёқ барча харажатларни қоплашга эришилади.

Ҳосилдорликни ошириш пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги муҳим резервлардандир. Область партия ташкилоти кам ҳосилли хўжаликлар экономикасини кўтаришга катта эътибор беряпти. Ўтган йили область миқёсида 40 колхоз ва 11 совхоз ҳар гектар майдондан 20 центнердан кам ҳосил олган эди. Бу область бўйича олинган ўртача ҳосилдан жуда ҳам кам. Бу йил область партия ташкилоти ана шу хўжаликларда ҳосилни кескин ошириш вазифасини қўйди. Областда ўртача ҳосилдорликни бу йил гектар бошига 23 центнерга етказиш, гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта ҳам колхоз ёки совхознинг бўлмаслигига эришиш учун кураш олиб бориляпти.

Ғаллаорол, Пойариқ, Жиззах районларида пахта тайёрлаш суръати кун сайин кўтариляпти. Пойариқ районининг пахтакорлари ҳар куни хирмонга йиллик планнинг 2,5 процентидан ошириб «оқ олтин» тўкмоқдалар. Шу райондаги Калинин номли ва Сталин номли колхозлар маррага яқинлашиб қолдилар. Бу хўжаликларда ҳар куни 3-3,5 процент миқдорида пахта терилиб, давлатга топширилмоқда.

Тажрибакор Ҳаким Қурбонов пахтачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган машъалларимиздан бири. Чўлни забт этишга отланган пахтакорлик бу азамат ҳозир Титов номли янги пахтачилик совхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Янги ерга кўчиб чиққан бригада аъзолари ўз командири бошчилигида 176 гектар қўриқ ерда юқори ҳосил етиштирдилар. Ҳозир бригада даласида қийғос очилган «оқ олтин» дурдоналари пешма-пеш териб олинмоқда. Ҳар куни 3 процентдан ошириб пахта тайёрланаётир. Ҳаким Қурбонов бу ерда ҳам пахтачиликни комплекс механизациялаштирди. Бригаданинг асосий майдонларидаги ҳосил машинада териб олинади. Ўртоқ Қурбоновнинг ўзи 130 гектар ердаги ҳосилни машинада териб бермоқчи.

Пахтакор районида Ҳаким Қурбонов каби пахтачиликни комплекс механизациялаштириш ишига катта ҳисса қўшаётган машъаллар анча бор. «Коммунизм» колхозининг азамат механизаторлари ташаббуси билан районда пахта теримини механизациялаштириш оммавий тус олди. Район хўжаликлари дала ишларини комплекс механизациялаштиришга кўча п т и л а р. «Коммунизм» колхозида ўтган йили етиштирилган пахта ҳосилининг 80 процентидан зиёдроғи машинада териб олинган эди. Бу йил эса колхоз механизаторлари ҳосилнинг камида 90 процентини машинада теришни мўлжаллаяптилар.

Бу йил область хўжаликларида 70 минг тонна пахта машина билан терилади. Колхоз ва совхоз далаларида 1134 машина ишлайди. «Пойариқ» совхози, Каттақўрғон районидаги Хрушчев номли колхоз ва бошқа қатор хўжаликларда етиштирилган ҳосилнинг 60-70 проценти машинада териб олинади. Область партия ташкилоти терим машиналаридан тўла фойдаланиш учун кураш олиб боряпти.

Пахтачиликни юксалтириш ишига катта ҳисса қўшиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан партиямиз съездига муносиб совға тайёрлаётган бундай машъалларимиз ҳар бир колхозда ва совхозда топилади. Пойариқ районидаги «Москва» колхозининг Қултой Нариманов, Калинин номли колхозининг Абдураупов ва Сталин номли колхозининг Қўлдош Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригадалари Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Бу бригадаларда ҳар куни 3,5-4 процент миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Областимиз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, КПСС XXII съезди кунларида пахта тайёрлаш планини бажарганликлари тўғрисида рапорт беришга карор қилдилар. Бу область меҳнаткашларининг шонли партия съездига муносиб совғаси бўлади. Ана шу улуғвор вазифани бажариш учун колхоз ва совхоз далаларида социалистик мусобақа авж олиб кетди. Пойариқ, Ғаллаорол ва Зомин районларининг пахтакорлари съезд очилиш кунигача пахта тайёрлаш планини бажариш учун курашяптилар. 17 октябргача областнинг 70 колхози, 11 совхози маррага етиб, съездга катта муваффақиятлар билан боради.

Съезднинг иш кунларида пахта тайёрлаш планини бажариб, ғалаба рапорти бериш учун областимиз колхоз ва совхозларида реал имкониятлар бор. Пахта ҳамма жойда қийғос очилди. Уни пешма-пеш териб олиш, суръатни ошира бориш учун ишчи кучи ва техника етарли. Ҳамма гап мавжуд куч ва имкониятлардан самарали фойдаланишда, ички ресурсларни тўла-тўкис ишга сола билишдадир. Область партия ташкилоти олдида меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳаракатига чинакам бошчилик қилишдан иборат катта вазифа турибди.

Аммо тан олиш керакки, областимиз пахта тайёрлашда республиканинг бир қатор областларидан кейинда қолаётир. Айрим жойларда резервлар тўла ишга солинган эмас, меҳнат ресурсларидан тўғри фойдаланилмаяпти. Хатирчи, Каттақўрғон, Норпой, Пахтакор район партия комитетлари йиғим-терим устидан раҳбарликни бўшаштириб, суръатнинг пасайиб кетишига йўл қўяяптилар.

Область экономикасида чорвачилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун курашга оммани сафарбар этиб, жамоат чорвачилигини ривожлантириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритди. Давлатга қорақўл тери сотиш йиллик плани бажарилди. Шунингдек, шилла тайёрлаш юзасидан олинган социалистик мажбурият шараф билан адо этилди.

Бироқ, чорвачиликни ривожлантиришда жиддий камчиликлар ҳам бор. Фермалардаги моллар нинг фақат 24,5 процентинигина сигирлар ташкил қилади. Айрим хўжаликларда озуқа базасини мустаҳкамлашга етарли эътибор берилмаяпти. Чорва қишловига тайёргарлик яхши эмас.

Область партия ташкилоти жамоат чорвачилигини ривожлантиришда рўй бераётган ана шу жиддий нуқсонларни бартараф этиш юзасидан шошилинч чоралар кўрмоқда.

Область партия ташкилотлари, коммунистлари, барча меҳнаткашлари етиштирилган мўл пахта ҳосилини сира нобуд қилмай йиғиб-териб олишни таъминлайдилар. КПССнинг XXII съезди ишлаб турган кунларда пахта тайёрлаш планини. Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги кунигача эса социалистик мажбуриятни бажарадилар.



Суратда: Тошкент уй қуриш комбинати монтаж бошқармасининг илғор ишчилари Ғ. МАНСУРОВ ва И. ШАЛИН ўртоқлар.
А. Тўраев фотоси.

ХАЛҚ—ТАРИХНИ ЯРАТУВЧИ

Партия: халқ — тарихни яратувчидир, коммунизм қуриш — халқ ишидир, унинг куч-ғайрати, ақл-идроки самарасидир, деган марксча-ленинча қоидага асосланади. Коммунизм ғалабаси кишиларга боғлиқ, коммунизм ҳам кишилар учун қурилади. Ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради. Коммунистик қурилиш муваффақиятлари ҳаммага мўл-кўлчилик ва қувноқ турмуш бағишлайди. Совет Ватанининг куч-қудратини, шон-шарафи ва шуҳратини янада юқори кўтаради.

Партия тантанали суратда эълон қиладики, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди!

(КПСС ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН)

ИЛҒОРЛАР

Яқинда заводда «Молния»нинг янги сони чиқарилди. Унда «Ўртоқ Ҳамроқулов 350 трактор детали топширди. Деталларнинг ҳаммаси юқори сифатли. Илғор ишчи Шариф Ҳамроқуловдан ўрнак олингиз!» деган сўзлар ёзилган эди.

Бу моҳир ишчи етти йилдан буён Самарқанддаги «Красный двигатель» заводида ном чиқариб ишламоқда. У, ўз касбини пухта ўрганиб, «станок доктори» бўлиб олган.

Шунинг учун ҳам доим юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, нормани 1,5-2 ҳисса оширишга муваффақ бўлмоқда.

Коммунистик меҳнат сменасининг аъзоси Ш. Ҳамроқуловдан ўрнак олган Турсунов, Рамазонов, Леонов, Очилов ўртоқлар ҳам партия съезди шарафига мусобақани қизитиб, смена топшириқларини 150-160 процентга етказиб бажаряптилар.

И. ШЧУРОВ.

УЛУҒ ПАРТИЯ

УЙҒУН

Боққанимда севиниб
Улкамнинг жамолига,
Олам ҳайрон қолганда
Халқимнинг камолига,
Тан берганда ҳамма ҳам
Меҳнаткашнинг онгига,
Қойил қолганда жаҳон
Фанимизнинг донгига,
Халқ бахти деб ботирлар
Енгганида қазони,
Коммунистлар юксалиб
Забт этганда фазони,
Қудрати зўр наслимиз
Қолоқликни йиққанда,
Олий маданиятнинг
Чўққисига чиққанда,
Мамнун бўлиб эслайман
Сени, улуғ Партиям.
Барча эзгу фазилат
Сенда бўлмиш жамулжам,
Қоплаганда далани
Сонсиз кумуш пахталар,
Нур таратса дарёлар,
Кўмир берса шахталар,
Қувонтирса кўзимни
Бўзларда дон тоғлари,
Роҳат бағишлаганда
Мирзачўлнинг боғлари,
Улкамизнинг бойлиги
Кундан кунга ортганда,
Поёни йўқ гўзаллик
Қучоғига тортганда,
Чақнаганда табассум
Гўдакларнинг юзида,
Файзу саҳоват кезса
Пахтазорнинг кузида,
Сенинг муборак номинг
Дарҳол келар тилимга.
Сен, эй, доно Партиям
Илҳом солдинг дилимга.
Улкамда барча халқни
Шод, бахтиёр кўрганда,
Бир бирига дўст, иноқ,
Ишда ҳамкор кўрганда,
Давлатимнинг кучини,
Қудратини сезганда,
Зафар, шодлик, тинчлик, бахт,
Улка бўйлаб кезганда,
Кремль чироқлари
Нур берганда кўзимга,
Улуғ Ленин ғояси
Куч берганда сўзимга,
Халқимнинг келажагин,
Саодатин ўйласам,
Гўзал Коммунизмнинг
Мадҳиясин куйласам,
Сени тилга оламан
Бўлиб мингбор миннатдор
Сен бор, улуғ Партиям,
Халқим мангу бахтиёр.

Сентябрь 1961 йил.

ИНСОН ВА АВТОМАТИКА

Ҳамроҳимиз — йи инженер Павел Иванович Шелентов. Олмалиқ мис саралаш фабрикасини айланиб юрибмиз. Еш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлган Павел Ивановичдан фабриканинг қуввати ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим. Бу босиқ ва камтар йигит жозибадор мовий кўзларини бир оз қисиб, ўйланиб қолди:

— Гапни тарихдан бошлаб кўя қолайлик. Мамлакатимизда биринчи йирик мис саралаш фабрикаси ўтгизинчи йилларда, Свердловск областининг Ново-Уральск шаҳрида қурилди. Узингизга маълумки, ўша йиллари оғир саноатни эндигина барпо этаётган эдик. Йирик корхоналарни қуришда тажрибамиз йўқ эди. Кишиларимизда билим етишмас эди, билим!

Ново-Уральск фабрикасини Америка фирмаси қурди. Қурди эмас, бир амаллаб қўндирди, десак тўғрироқ бўлар. Шу фабрикада кўп йиллар ишлаган отам америкаликлар фабрикани ишга туширишни роса чўзишган, деб ҳикоя қилади. Дарвоқе, Америка дунёда биринчи социалистик мамлакатда оғир саноат барпо этилишидан манфаатдор эмас эди, албатта. Фирмага фақат олтин керак эди, олтин! Шунинг учун ҳам у фабрикани ишга туширишни бир неча йилга чўзиб юборди. Ха, Максим Горький, Американи бекорга «Сариқ иблис» мамлакати деб атамаган.

1920 йилда Владимир Ильич Ленин қабулида бўлган инглиз ёзувчиси Герберт Уэльс мамлакатимизни индустриалаштиришнинг буюк режаларига шўҳа билан қараган эди, Ҳатто Уэльс бу планларни хаёл деб аташдан ҳам тоймаган. Тарих бундай ноумид ва узоқни кўролмайдиган кишиларнинг боплаб таъзирини берди. Совет Иттифоқида тарихан қисқа муддат ичида юксак даражада тараққий этган саноат барпо этилди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи маҳсулоти жиҳатидан Совет Иттифоқи Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринда турибди. Етти йиллик планларнинг муваффақият билан бажарилиши натижасида Совет Иттифоқи ўз экономикасининг ривожланиши жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олади.

Етти йилликнинг гигант иншоотларидан бири — Олмалиқ мис саралаш фабрикаси жуда тез суръатлар билан қуриляпти. Корхонанинг биринчи навбати мис концентратлари ишлаб чиқара бошлади. Шу йил бу йирик корхонанинг яна икки навбати фойдаланишга топширилади. Олмалиқ фабрикаси тўла қуриб битказилгач, унинг қуввати Ново-Уральск фабрикасига нисбатан бир неча марта ортиқ бўлади.

Ҳаяжонланиб кетдим. Улуғ Октябргача Ғарб тарихчилари учун фақат тадқиқот объекти бўлган Ўзбекистон, энди ўзи тарих яратяпти. Бешқиёр шоирнинг қуйма сатрлари ёдимга келди:

Нима бизга,
Америка.
Нима бизга,
унинг
суръати.
Унинг тезлиги,
кучи,
қуввати.

Американинг чўлоқ отга минган экономикаси муккасидан кетиб, пешонасини ёриши турган гап. Социалистик экономика эса гуллаб-яшнамоқда. Бу Шарқда социализм машъали бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси мисолида ҳаммага равшан бўлиб турибди.

...Руда майдалаш корпусидамиз. Ҳар бирига 100 тоннадан маъдан ортилган думпкарлар составни кетма-кет келиб турибди. Бу ердаги ҳамма асосий ишлар механизациялаштирилган. Бу процессларнинг барчасини оддий ишчи бошқаради. Ҳа, пульт олдида йўл билими ва маданий савияси жиҳатидан инженер-техник ходимга тенглашаётган ишчи турибди.

— Фабрикадаги ҳамма ишларни тўла механизациялаштириш ва автоматлаш — бизнинг бирчимиз. Бу соҳада ютуқларимиз катта, — дейди Павел Иванович. — Аммо ҳали баъзи ҳал қилинмаган масалалар бор. Лоақал руда тўкилаётган вақтда ҳосил бўлган чангни олайлик. Бу чангни атмосферага — ташқарига чиқариб ташлаш учун кучли вентилятор ўрнатилган. Аммо шундай бўлса ҳам озроқ чанг корпус ҳавосида қолади. Корпусдаги ҳаво мусаффо бўлиши керак. Бизнинг шиоримиз ана шунақа. А. Румянцев бошлиқ конструкторларимиз шу соҳада иш бошлаб юборишди. Натижаси яхши бўлади, албатта.

Павел Иванович билан хайрлашиб, флотация цехига кирдим. Флотация цехи— корхона юраги. Бу ерда қимматбаҳо мис рудадан ажратиб олинади. Бу жуда мураккаб физик-кимёвий процесс. Мана, смена бошлиги — ҳушчақчақ йигит Алексей шавқ-завқ билан гапиряпти.

— Фабрикамизнинг бугунини кўриб қувонаману, унинг эртаси ҳақида ширин хаёл сураман. Фабрикамизнинг эртаги куни — ҳамма ишлаб чиқариш процессларини тўла автоматлаштириш ва телемеханизациялаштириш демакдир. Етти йиллик давомида республикамиз рангли металлургия саноатининг ялпи маҳсулоти бир қанча ҳисса. Фабрикамиз мис концентратлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиради.

Алексей Дзебоевнинг бу сўзларини эшитиб, партия Программаси проектидаги монолит фикрлар ёдимга келди.

Машинасозликни ривожлантириш асосида биринчи ун йилликда саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилишда, транспортда, юк ортиш-туширишда, коммунал хўжаликда комплекс механизациялаш амалга оширилади. Комплекс механизациялаш натижасида асосий операцияларда ҳам, ёрдамчи операцияларда ҳам қўл меҳнати тугатилади.

Йигирма йил мобайнида ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштириш оммавий миқёсда амалга оширилиб цехлар ва корхоналар кенг миқёсда автоматларга ўтади. Автоматик бошқаришнинг ғоят мукаммал системаларини жорий қилиш тезлашади.

Бу тадбирлар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга хизмат қилиш билан бир қаторда, маънавий бойликни, ахлоқий сифатларни ва жисмоний камолотни ўзида гармоник ҳолда мужассамлаштирган янги инсонни тарбиялаш учун кенг имкониятлар очиб беради.

А. АБДУҚОДИРОВ.

ГАЗ ВА НУР

«Термезнефть» бошқармасининг нефтчилари ҳам барча совет кишилари сингари мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг ёрқин йўлларини белгилаб берган КПСС Программаси ва Устави проектларини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар ва бу тарихий ҳужжатларни муҳокама қилиб, ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олдилар ва уни амалда бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бошқармамиз коллективи нефть чиқариш 8 ойлик планини ошириб адо этди. Ҳар тонна нефтнинг таннархи 49 тийин арзонлаштирилди. Меҳнат унуми 7,9 процент оширилди. Бунинг натижасида 171,5 минг сўм фойда олинди. Бошқарма бўйича қурилиш-монтаж ишлари плани 123 процент, шу жумладан уй-жой қуриш плани 110,5 процент бажарилди. Қурилиш-монтаж ишлари таннархи 6, 7 процент арзонлашди.

Нефтчиларимиз қўлга киритган муваффақиятларда коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган хотин-қизларнинг катта ҳиссаси бор. Мен 1949 йилда «Термезнефть» бошқармаси товар-транспорт цехига нефтни анализ қилувчи лаборант бўлиб ишга кирган эдим, бу вазифада 10 йил ишлаб анча малака орттирдим. Илгари нефть нималигини билмайдиган, эндиликда эса нефть саноатининг устаси бўлган маҳаллий халқ вакиллари — ўзбек хотин-қизлари билан ёнма-ён ишлаб, газ ва нур етиштириб бериш ишига ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз.

1959 йил март ойида бўлиб ўтган очиқ партия мажлиси электр токидан фойдаланишдаги камчиликларни очиб ташлади. Бу ишни тартибга солиш учун мени электроконтролёр қилиб тайинлашди. Мен ўз дугоналарим — цех касаба союз комитетининг раиси Клавдия Димитриевна Васильченко, инженер-химик Евгения Николаевна Прямова, бухгалтер Антонина Романовна Арбилова ўртоқлар ёрдамида электр қувватидан фойдаланишни тартибга солишга бошчилик қилдим. Натижада нефть чиқариш тезлашиб кетди, планлар оширилиб бажарила бошлади.

Шуни айтиш керакки, Сурхондарёда нефть саноатини янада ривожлантириш истиқболлари катта. Масалан, «Ламмикор» нефть кони жуда катта нефть гази запасига эга. Ҳозиргача бундан деярли фойдаланилмаётир. Шу сабабли аҳоли ва саноат корхоналарининг эҳтиёжлари учун бизнинг областимизга бошқа жойлардан кўплаб кўмир келтирилади. Ҳолбуки, бизда нефть газидан фойдаланиш жуда қулай ва арзондир. Бунинг учун «Ламмикор» — «Қумқўрғон» ўртасида газопровод қуриш ва шунингдек ана шу райондаги колхоз ва ишчи посёлкаларини газлаштириш лозим.

Бизнинг назаримизда Жарқўрғондан «Ламмикор» гача газ қувури қуриш ва кейинчалик уни Термиз шаҳрига олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, арзон ёнилғи базасида Жарқўрғон районида силинат блоклари завода қуришни ҳам тавсия этганмиз. Бу завод ёнилғи сифатида «Ламмикор» газидан фойдаланади. Шу билан бир вақтда колхозларни, ишчи посёлкаларини ва район мариазини газлаштириш мақсадга мувофиқдир. Биз Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездида ана шу таклиф ва мулоҳазаларимизга эътибор берилади, деган умиддамиз.

«Термезнефть» бошқармаси коллективи социалистик мажбуриятларни ҳамма кўрсаткичлар бўйича муддатидан олдин бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф этадилар.

Ойша БИЧУРИНА,
«Термезнефть» бошқармасининг электроконтролёри, КПСС XXII съездининг делегати.

Халққа хизмат қилади

ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

Гўзал Фарғона водийси... Бу ажойиб, сўлим ўлканинг кумуш тонглари, оромбахш ҳавоси, фусункор боғ-роғлари, кўк ўпган «оқ олтин» хирмонлари гўзал. Меҳнатсевар азамат йигитлари, соҳибжамол қизлари, нуроний кексалари, ўт юракли пахлавонлари яна ҳам гўзал. Чунки уларнинг ҳар бири пўлат иродаси, яратаётган мўъжизалари, шарафли меҳнати билан ҳар қандай шоир юрагига илҳом бахш этади.

Наманган шаҳридаги илгор комплекс қурилиш бригадасининг бошлиғи Сайдулла Сайфутдинов ҳам ана шундай олижаноб кишиларнинг бири. Ўрта бўй, қорачадан келган Сайфутдиновни бир кўрган одам шунчаки бошлиқ бўлса керак, деб ўйлаши мумкин. Лекин Андижон область партия конференциясида сўзга чиққан Сайфутдиновнинг нутқи ҳаммани ўзига мафтун этди. У қалбида жўш ураётган улуғвор орзулар ҳақида, ўз бригадасидаги меҳнатсевар кишилар ҳақида, улар бажараётган забардаст ишлар ҳақида завқ-шавққа тўлиб сўзлади. Унинг бурро нутқини залдагилар сув сепгандай жим тинглашди.

Эл бундай кишиларни ўт юракли кишилар дейди. Дарҳақиқат Сайдулла Сайфутдинов чин маъноси билан ўт юрак одам. У доим яратиш, қуриш, обод қилиш ишқи билан яшайди. Наманганнинг бугунги қиёфасига назар ташланг. Кўркам, хашаматли, кўпқаватли бинолар, уй-жойлар қад кўтарган. Янги-янги клублар, мактаб бинолари шаҳарга файз бериб турибди. Янги қурилишларда қайноқ меҳнат шодиёнаси мавж уряпти. Буларнинг ҳаммаси — Сайдулла ака ва унинг азамат қурувчи дўстларининг қалб ҳарорати эмасми?! Шонли съезд арафасида кенг, ёруғ, озода уйларга кўчиб кираётган неча-неча бахтиёр оилаларнинг минатдорчилиги, уларнинг чеҳрасидаги хушнудлик ана шу азаматларнинг фидокорона меҳнати самараси эмасми?!

Умумхалқ манфаати учун бутун куч-ғайрати ва санъатини сарф этаётган бу азаматлар шу кунларда съезд олди меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Сайфутдинов бригадаси бу йилги планни муддатидан 4 ой 20 кун илгари, 10 августда адо этди. Ҳозир улар 1962 йил ҳисобига ишламоқдалар. Мамлакат бўйлаб коммунистик меҳнат бригадалари номини олиш учун кураш кенг қулоч ёзди. Сайфутдинов бригадаси ҳам 1959 йилдан буён шу шарафли номни олиш учун курашди.

— Бригаданинг ҳар бир аъзоси ишда, жамоат орасида, уйда, ўқишда намуна кўрсатиши керак, — қатъий қўйди бригадир. Маҳмуджон Исматов, Мария Алексанова, Абдулла Мадраҳимов, Турсунбой Қаҳҳоров, Воҳид Азизҳоновлар бригаданинг энг ишчан аъзолари. Бинокорлар Пахталиқўл санаторийсининг икки қаватли корпусини муддатидан илгари қуриб фойдаланишга топширишди. Островский кўчасидаги мактаб-интернатнинг 400 ўринли меҳхона ва ошхонасини қуриб беришди.

Бригада аъзолари шаҳар ўртасида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли Наманган Давлат педагогика институтининг 5 қаватли биносини қуришяпти. Улар ана шу олижаноб иш учун шу йил июнь ёнида коммунистик меҳнат бригадаси номини олишга муяссар бўлдилар. Ҳозир бинони пардозлаш ишлари давом этмоқда. Тез орада бу бинода бахтиёр йигит-қизларнинг шўх гурунги бошланади. Бу жой улкан билим ўчоғига айланади.

Бригада аъзолари иш вақтидагина эмас, оилада, дам олиш соатларида ҳам ҳамнафас, дўст, ўртоқ, биродар. Улар дилларидаги эзгу орзуларини ҳам, келажак ҳақидаги планларини ҳам ўртоқлашишга одатланганлар.

Бригада бошлиғи ўз аъзоларининг яхши яшаб ва билим олишига ҳам алоҳида эътибор беради. Уларнинг турмуш шароитидан тез-тез хабар олиб туради. Бригада аъзоларидан 30 киши кечки ёшлар мактабида, баъзилари институтда, 2 киши кечки марксизм-ленинизм университетида, хотин-қизлар эса бичиш-тикиш курсларида ўқишяпти.

Уларнинг ишлари буюк, орзу-тилаклари, тузаётган план режалари ҳам буюк.

Сайдулла Сайфутдинов бошчилик қилаётган бригада аъзолари бир оиланинг тотув фарзандларидир. Улар коммунизмнинг нурли чўққилари сари дадил одим отаётган меҳнат кишиларидир.

Эътибор ОХУНОВА.

Партия халқ учун яшайди ва халққа хизмат қилади. Партия ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучидир. Партия совет халқининг буюк яратувчилик фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг провард мақсадга — коммунизм ғалабасига эришиш йўлидаги курашига ташкилий, планли, илмий жиҳатдан асосланган характер беради.

(КПСС УСТАВИ ПРОЕКТИДАН).



Коммунист Турсуной Умарова бошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 40 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган бригада пахтакорлари терим суръатини тобора кучайтирмоқдалар. Анчагина ҳосил машина теримига ажратилган Уни бригадирнинг ўзи «ХВС-1,2» машинасида териб олади. Ўртоқ Умарова Чуст механизация мактабини тамомлаб механик-ҳайдовчилик касбини яхши эгаллаб олди. СУРАТДА: Фарғона область. Охунбобоев районидаги «Фарғона» колхози 5- трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Турсуной УМАРОВА.

М. Гарипов фотоси.

МЕҲНАТ—ШОН-ШАРАФ

Мен оддий деҳқон қизиман. Ўтмишда отам ва боболарим куну-тун меҳнат қилса ҳам кўп қийинчиликлар билан кун кечирарди. Лекин, на обрў, на нон топди...

Социализмда меҳнат — шон-шараф, мўл-кўлчилик демакдир. Ҳар бир совет кишисига қилган меҳнати катта обрў туғдиради, беқиёс ҳурматга сазовор қилади.

Мен колхоз қучоғида камол топдим. Мен бошлиқ звено ҳар йили мўл пахта ҳосили етиштирмоқда. Бултур гектаридан 75 центнердан «оқ олтин» етиштириб давлатга сотдик. Машҳур механизатор Турсуной Охунованинг ташаббуси мени ҳам янги меҳнатга чорлади. Турсунойчи бўлишни орзу қилиб, ўқишга кирдим. Орзум рўёбга чиқди. 1960 йилда машина штурвалига миниб, 205 тонна пахта тердим. Шундай қилиб, биринчи синовдан муваффақиятли ўтдим.

Бу йилги мажбуриятимиз янада катта. Гектаридан 80 центнердан ҳосил кўтарамиз. Ҳозир ҳар куни 3-3,5 процент миқдорида пахта терилмоқда.

Хоразм область коммунистлари мени КПСС XXII съездига делегат қилиб сайлашди. Бу катта ишончга жавобан янги мажбуриятлар олдим. «ХВС-1,2» машинасида 250 тонна пахта териб хирмонга тўкаман.

Съезд очилиш кунигача машинада 130 тонна пахта тераман. Бу менинг жонажон партиямизнинг XXII съездига муносиб совғам бўлади.

Ободон ДЎСОВА,

Хоразм область, Шовот районидаги Киров номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXII съезди делегати.

Ўн ойликдан ташқари

ФАРҒОНА. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Съезд олди социалистик мусобақасига қўшилган Фарғона ун комбинати ўн ойлик топшириқни тўққиз ойда бажариш, пландан ташқари 2376 тонна ун, 1484 тонна ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Мавжуд техника ва ресурслардан тўла унумли фойдаланиш натижасида олинган мажбурият муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Комбинат коллективи йил бошидан бери ҳамма соҳалардаги топшириқларни ошириб адо этмоқда. Ўн ойлик пландан ташқари 2820 тонна тоза сортли ун, 1500 тонна емлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Социалистик мусобақада коммунистик меҳнат бригадалари олдинда борди, бошқаларни янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирди.

Партия белгилаган тадбирлар амалда

Замонамизнинг улуғ ҳужжати — КПСС янги Программаси ва Устави проектлари коммунистик жамият барпо этувчи — совет халқини буюк режа билан қуроллантирди. «Совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди!» Бу илҳомбахш сўзлар халқимизни янги ишларга руҳлантиради.

КПСС Программаси проектида мамлакатимизда социалистик жамият барпо этишнинг бой тажрибаси умумлаштирилди. Унда коммунистик жамият қуришнинг барча вазифалари донолик билан ойдинлаштириб берилди. Районимиз меҳнаткашлари ана шу вазифаларни бажариш учун курашда, совет халқининг улуғ яратувчилик ишида муносиб ўрин олиш туйғуси билан меҳнат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Пленуми ва партиямиз XX, XXI съездлари қарорларини бажариш йўлида қандай катта ижодий ишлар қилинганлигини районимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги кескин юксалиш йўлига кирди. Колхозлар ҳозирги замон техникаси билан қуролланди, ички резервлардан фойдаланиш ҳисобига қўшимча маҳсулот етиштириляпти. Етти йилликнинг дастлабки икки йилида каноп пояси етиштириш 59 процент ўсди, шу экин уруғини тайёрлаш 2,5 баравар кўтарилди, гектаридан олинадиган ҳосил 38 центнер ошди. «Политотдел» ва «Ўзбекистон» колхозларида айникса ҳосил миқдори юксалди. Пахтакорлар агротехниканинг янги усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва комплекс механизациялашни дадиллик билан амалга ошириш натижасида ҳосил миқдорини йил сайин кўпайтириб боряптилар. Сўнгги икки йил ичида пахтанинг ялпи миқдори бир ярим баравар кўтарилди, гектаридан олинаётган ҳосил 10 центнердан зиёд ошди. «Политотдел» колхозининг ватанпарвар аъзолари ўтган йили ҳар гектар ердан давлат омборига 43,7 центнердан «оқ олтин» тўкдилар. Шу хўжаликнинг кўпгина далачилик бригадаларининг гектаридан етиштирган ҳосили 50 центнерни ташкил этди.

Районимиз хўжалигида чорвачилик етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Етти йилликнинг дастлабки икки йилида йирик қорамоллар сони 18 процент, шу жумладан сигирлар 11 процент кўпайди. Чорва молларнинг маҳсулдорлиги ошиб боряпти. Ўтган йили ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут ўрта ҳисобда 1736 килограммни ташкил этди. Сут соғувчи Роза Квон эришаётган натижалар ҳар бир хўжаликда сут етиштиришни тобора кўпайтириш учун катта имкоқиятлар борлигини кўрсатади. Свердлов номли колхоз фермасининг сут соғувчиси Пак Мен Сук Роза Квон тажрибасини қўлланиб, дуруст натижаларга эришяпти. «Гулистон» колхозида коммунист Шарифа Тошпўлатова сигирларни парвариш қилиш ва улардан сут соғиб олишда бой тажриба тўплади. У ўрта ҳисобда ҳар йили бир бош сигирдан 3500 килограммдан сут соғиб олмоқда.

Чорвачилик учун мустаҳкам емхашак базаси вужудга келтирмай туриб, бу соҳада яхши натижаларга эришиш мумкин эмас. Ем-хашак учун асосий экин эса маккажўхоридир. Район партия ташкилоти ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг «дала маликаси»га эътиборни кучайтириш ҳақида берган маслаҳатларига амал қилиб, маккажўхорикорликни ривожлантиришга эътиборни кучайтирди. Қишлоқ коммунистлари, комсомолларининг бу масалада ташаббуси ва ташкилотчилик роли оширилди. Кейинги йилларда райондаги ҳамма хўжаликларда маккажўхори асосий экин сифатида деҳқончиликда мустаҳкам ўрин олди. Сўнгги йилларда маккажўхори дони етиштириш 8,5 марта ўсди. Ҳар гектар ердан 610 центнердан маккажўхори пояси, 29,1 центнердан дон олинмоқда. Ваҳоланки, 1958 йилда гектаридан олинган маккажўхори пояси 98 центнерни, дон эса 11 центнерни ташкил этган эди, холос.

«Политотдел» колхозининг жонкуяр, ишбиларманд, тажрибали аъзоси Любовь Лининг шухрати Совет юртимизнинг узоқ ерларигача ёйилди. Маккажўхоридан рекорд ҳосил олаётган бу қиз маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг ажойиб ташкилотчиси, моҳир устаси сифатида майдонга чиқди. Унинг тажрибаси ҳозир ҳамма хўжаликларда қўлланиляпти. Свердлов номли колхоз аъзоси Александра Ни, «Правда» колхозидан Ким Чун Ок ўртоқлар маккажўхоридан энг юқори ҳосил оляптилар.

Чорвачиликнинг тез суръатлар билан ўсаётганлиги, моллар насли яхшиланиб бораётганлиги, мустаҳкам ем-хашак базасининг вужудга келтирилганлиги, чорвачилик фермаларида меҳнатнинг тўғри ташкил этилганлиги натижасида гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш ой сайин кўпайиб бормоқда. Етти йилликнинг дастлабки икки йилида гўшт етиштириш — 44, сут — 37, тухум — 70, жун — 24 ва пилла етиштириш 76 процент ўсди.

Район колхозларида дон хўжалиги ҳам ўсяпти. Етти йилликнинг учинчи йилида дон маҳсулоти етиштириш юзасидан белгиланган топшириқ анча ошириб бажарилди. Область бўйича давлат омборларига топширилган ғалланинг учдан бир қисмини бизнинг районимизда тайёрланган ғалла ташкил қилади.

Боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш халқ моддий фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидандир. Паркент зонасидаги колхозлар ҳар йили ўз боғларидан неча минг тонналаб узум маҳсулоти йиғиб олмоқдалар. Сўнгги йилларда турли мева боғлари 3,5 марта, узумчилик майдонлари 3 марта кенгайди.

Мана шу фактлар Коммунистик партия белгилаган тадбирлар реал бўлиб, бу тадбирлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигини ёрқин тасдиқлайди. Лекин турмуш тобора янги-янги талаблар қўймоқда, янги вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. КПСС Программаси проектида таъкидлаб ўтиладики, коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврида партия ташкилотларининг халқ хўжалиги барча тармоқларини юксалтиришдаги, янги кишини вояга етказишдаги роли яна ортади. Районимиз коммунистлари КПСС Программаси проектида чизиб берилган улуғвор вазифаларни ўз ҳаётий ишлари деб қабул қилдилар ва уни бажариш учун умумий халқ мусобақасининг ташкилотчиси ролини бажармоқдалар.

Район меҳнаткашлари КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездига меҳнатда янги совғалар билан келяптилар. Улар областда биринчи бўлиб давлатга дон сотиш планини бажардилар. Пилла тайёрлаш юзасидан олинган мажбурият тўла адо этилди. Ярим йиллик гўшт етиштириш плани анча ошириб бажарилди. Чорва моллари сонини кўпайтириш планда белгиланганидан анча ортиб боряпти.

Колхозчилар ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ҳормай-толмай қилган меҳнатлари туфайли далаларда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Каноп, маккажўхори ва бошқа экинлар мўл бўлди. Ҳозир асосий вазифа мана шу ҳосилни сира нобуд қилмай, йиғиб-териб олишдан иборатдир. Район партия ташкилоти омма орасида олиб бораётган ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишлар мазмунини ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга бўйсундирди. Биз йиғим - теримда машиналардан унумли фойдаланиш учун механизаторларга ва колхоз раҳбарларига нисбатан талабчанликни кучайтирдик. Колхозлардаги барча кучларнинг асосий қисми пахта теримига жалб этилди. Колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди. Айрим хўжаликлар, жумладан «Ўзбекистон», «Политотдел» колхозлари ҳар куни йиллик планнинг уч-тўрт процента миқдорида. «III Интернационал», «Ленинизм» ва «Правда» колхозлари 3-4 процентдан пахта тайёрламоқдалар. Район меҳнаткашлари каноп пояси етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 44 йиллиги шарафига, давлатга пахта сотиш планини 15 октябргача, узум, гўшт, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштириш юзасидан белгиланган топшириқларни муддатидан анча илгари бажариш мажбуриятини олдилар.

КПСС Программаси проектининг илҳомбахш идеяларидан, марксизм-ленинизм ғояларидан руҳланган, ўз Ватани билан қонуний фахрланаётган районимиз меҳнаткашлари ўз олдиларида турган сиёсий-хўжалик вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш билан коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар.

М. В. КИМ,

Тошкент область, Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди делегати.

Совға

Татьяна Кардош бригадаси эрталабки сменада бошқалардан яхши ишлади.

Сентябрь ойининг иккинчи ярми. Бригада аъзоларининг ҳаммаси олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажариш учун ҳаракат қиляпти.

Бригада смена топшириғини орттириб бажаради. Ҳар бир ишчининг меҳнат унумдорлиги ошаборяпти. Ускуналарнинг бир меёрда ишлаши таъминланди. Кунларнинг бирида сменада пландан ташқари 90 та сорочка тайёрланди. Ажойиб муваффақият!

— Бригадир, қалай, ударникларча ишладикми, — сўради аъзолар.

— Ҳар биримизга пландан ташқари ишланган сорочкалар тўрт яримтадан тўғри келади, — деди Татьяна.

Фабрика ҳовлисида бригадир ва унинг сафдошларини бошқа бригадаларнинг аъзолари, кўпгина ишчилар кутиб олишди. Қизғин суҳбат борарди.

— Фабрика бир ойда бир ярим ойликни бажарса керак.

— Шаҳардаги саноат корхоналаридан ўтиб кетамиз.

— Мусобақа шунинг учун-да!

Татьяна бригадасининг аъзолари охирги сорочкаларни тикиб бўлар эканлар, сменада иш тугаб, одамлар ташқари чиқабошлаганда дарвоза олдида уч кекса хотин ва бир бола турарди. Уларнинг ёнида сув тўлдирилган челакларда гулдасталар. Бола атрофга жовдираб қарайди. Шундай чиройли гуллардан букет қилинганки, ҳар қандай кишининг ҳаваси келади.

Ўткинчилар гулларга суқланиб қарайди. Улардан бири:

— Қандай гўзал гуллар! деди.

— Кимга бу чиройли букетлар?

— Энг илғорларга, бугун смена топшириғини орттириб бажарганларга, — деди ёши улғойиб қолган аёл, — қордай оппоқ сочларини силаб.

Бу аёл шу фабрикада йигирма йил муттасил меҳнат қилган, сочлари шу ерда оқарган. Унга ҳалол меҳнати фаровон турмуш келтирди. Ҳозир бу аёл пенсияда. Етарли миқдорда нафақа олади. Бировга зориқадиган жойи йўқ. Ҳамма вақт уни фабриканинг цех ва сменаларида кўриш мумкин. Оммавий-сиёсий ишларда актив қатнашади. Фабрика маъмуриятига амалий ёрдам беради.

Бундан бир неча соат илгари ана шу ҳурматли аёл бошлиқ ишчилар шаҳарчасининг актив хотин-қизлари ўз участкаларида ўстирилган гуллардан букетлар ясадилар. Букетлар кимга эканлигини ҳеч ким билмасди.

Одамлар тинмай ўтиб турибди. Ишчилар навбат билан бирин-кетин чиқмоқдалар. Татьяна Кардаш эшикдан кўринаркан, ҳалиги аёллар олдида турган ўн ёшлар чамасидаги қизча унинг йўлини тўсди:

— Ҳурматли Татьяна опа, — мурожаат қилди, ҳовлиққан ҳолда бола унга, — бугунги ғалабаларингиз билан табриклайман, туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин! Мен ҳам катта бўлсам Сиздақа тикувчи бўламан, одамларни яхши кийимларга ўрайман.

Бригадир кўзларига ёш олди. Қизчани қучоқлаб ўпди. Уни одамлар орасидан четга олиб чиқди. Ўқувчининг кулиб турган юзларига боқди.

— Раҳмат, Светлана, раҳмат!

Бригада аъзоларига ҳам гулдасталар тақдим этилди. Ҳалиги кекса аёл тўлиқиб:

— Сизларни кўриб қувонаман қизларим — ўғилларим, жигарғўшаларим. Бу букетлар юрагимдаги сизга айтиладиган ширин сўзларимни ифодаласин — деди.

Татьянани бир зумда хаёл олиб кетди. Унинг миясидан Оренбург яқинидаги Сорочинск қишлоғида туғилгани. Ўқигани, уруш даврида етим қолиб, тақдир уни Тошкентга етаклагани, енгил саноат техникумига кириб ўқигани, ниҳоят, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасига ишга келгани — ҳаммаси кино лентасидек ўтди. Берилган гулдастани ушлаб туриш кишига завқ бағишлайди, уни улуғлайди. Қандай қилиб бундай шодиёналардан кейин бутун кучи билан ишламасин, киши. Бригадир беихтиёр:

— Бригада аъзолари номидан яна бир марта раҳмат. Биз эртага бундан ҳам яхшироқ ишлаймиз, — деди.

Фабрикада ўн ойлик топшириқ муддатидан илгари бажарилди. Меҳнат унумдорлиги фабрика бўйича 8, 9 процент Татьяна бригадасида эса 44 процентга кўпайди. Пландан ташқари 8.320 та сорочка тикиб чиқарилди. Фидокорона меҳнатнинг мана шу самараси партиямиз съездига совғадир.

И. ТЎХТАСИНОВ,

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XV съездидан буён ўтган давр гарчанд қисқа бўлса-да, ўзининг бой мазмуни билан бир неча йилларга тенг келади. Буни бизнинг Киров номли колхоз ишларида ҳам кўриш мумкин.

Колхозимиз икки съезд орасида экономикаси юксалган, комплекс механизациялашган, кўп тармоқли ва сердаромад хўжаликлардан бирига айланди, колхозчиларнинг моддий-маданий фаровонлиги тубдан яхшиланди, қишлоқ планли равишда қайта қурилиб, шаҳарча тусига кирди.

Колхозчиларимиз КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг навбатдаги XVI съездига муносиб совға тайёрлашни йил бошидаёқ ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган эдилар.

Бугун съезд делегатларига зўр қувонч билан маълум қиламизки, колхозимиз аъзолари давлатга қоракўл тери, пилла, ғалла ва бошқа хил маҳсулотлар етказиб бериш планларини бажардилар, гўшт, сут сотиш топшириқлари бажарилиш арафасида турибди.

Бу йил колхозчиларимиз олдида муҳим вазифалар турибди. Биз давлатга 1210 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ёки жами 3150 тонна пахта сотишимиз керак.

Ҳозир колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2 процентидан зиёд пахта топшириб, яхши кўрсаткичга эришяпти.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программа проектида совет кишилари бир-бирларига дўст, биродор, ўртоқ эканлиги, улар доимо бир-бирларига ғамхўр бўлиши зарурлиги алоҳида таъкидланиб ўтилган. Биз бу тарихий ҳужжатни ўқиб чиқар эканмиз, ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қозоқ ва бошқа халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз. Ўзбекистон Компартияси XVI съезди делегатларини ишонтириб айтамизки, колхозимиз аъзолари мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар.

Сора ҚУРБОНБОЕВА,

Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Ўзбекистон Компартияси XVI съезди делегати.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Тажриба-намуна хўжалиги «Пискент» совхозининг механик-ҳайдовчиси Исмоил Гошматов «ХВС-1,2» маркали терим машинаси билан бу йил мавсумда камида 150 тонна пахта теришга сўз берган. У теримнинг биринчи куниёқ машина бункеридан хирмонга 1647 килограмм пахта тўкди. СУРАТДА: Исмоил ТОШМАТОВ терим пайтида.

К. Розиков фотоси.

ЮРТ МАДҲИ

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ МЕЛИҚЎЗИ УМРЗОҚОВГА

Менга ҳамроҳ бўлди дарё лабида
Кемачи бобони кутган ўспирин.
Бир жаҳон ҳаяжон сездим қалбида,
Қуралай кўзига ташлаб кўз қирин.
Қотма юзларига бағишлар ҳуси
Яқинда ниш урган қопқора мўйлаб.
Таърифлай кетди у азиз ўлкасин,
Жонон пиёлани кафтида ўйнаб:
— Бу ерин Поп дейлар,
Файзиёб дейлар,
У — гўзал водийга заррин ҳошиям.
Ширин сўз топ дейлар,
Достонбоп дейлар —
Биллурий сойлари, қўнғир тоши ҳам.
Бағри кўкдай бутун дала уфқига
Йўл юриб, мўл юриб етмоқ осонми!
Боғлари эслатар қуёш тафтида
Шарбат лимиллаган яшил қозонни.

Қурама тоғлари ётар ўнг ёнда,
Кўксини ошиқдай тупроққа босиб.
Ошифта бўлса у Попдай бўстонга, —
Майли,
Бир-бирига жуда муносиб.
Бири булутлардан кийганида бўрк,
Бири офтоб билан қилади суҳбат.
Бири эл уйига тўкканида қўр,
Бири посбон бўлиб кўтарар қомат.
Тўқайлар четини нондай ушатиб,
Чап ёндан ўтади азм Сирдарё.
Дамба-дам тўлғаниб, қайгадир шошиб,
Шовуллар, ловуллар бесабр дарё.
Лекин ким чўчирди унинг дўқидан,
Соҳил тимдалашдан унарми фойда?
Тоғларни чўрт кесган,
Дарёни бўққан
Азамат одамлар яшар бу жойда...

Менга ҳамроҳ бўлган содда ўспирин
Хушҳол сузиб кетди Янги ер томон.
Йиллар ўтаверди.
Бир кун кечқурун
Газета очдиму тикилдим ҳайрон.
Ўша йигитчанинг худди ўзи-ку,
Аммо юзларида балоғат изи.
Баҳодир теримчи Мелиқўзи-ку! —
Қуралай кўзида матонат изи.
Бункерга қуйилар мавж уриб пахта,
Гўёки дарёга югурган ирмоқ.
Тонг бошинг устига нур ёйган чоғда
Завқ берар ҳосилни ардоқлаб термоқ.
Терар Мелиқўзи,
Сутдай оқ йўлда
Юрт мадҳин тўқир у илҳомга тўлиб.
Қуёш-ла ўпишган шу диёр, элда
Ҳар одам туғилар қаҳрамон бўлиб.

Ҳусниддин ШАРИПОВ.

Н. С. ХРУШЧЕВ
жавобининг охири

(Боши биринчи бетда).

Н. С. Хрушчев АҚШ президенти билан бевосита музокаралар олиб бориш тўғрисидаги таклифга тўхталиб айтадики, Совет Иттифоқи низоли масалаларни музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф қилишнинг ҳамиша тарафдори бўлиб келди. Давлатлар ўртасидаги музокараларнинг, хусусан, энг қудратли ва энг таъсирчан давлатлар бўлмиш СССР билан АҚШ ўртасида олиб бориладиган музокаралар халқаро вазиятни соғломлаштиришда муҳим роль ўйнай олади ва ўйнаши керак. Биз тинчликни таъминлаш мақсадида ҳар қачон, ҳар қандай жойда ва ҳар қандай доирада музокаралар олиб боришга тайёрмиз.

Н. С. Хрушчевнинг мактубида яна бундай дейилади: гитлерчилар Германиясига қарши урушда қатнашган мамлакатларнинг давлат арбоблари сулҳ конференцияси столи ёнига ўтириб, ҳар иккала герман давлатининг вакиллари билан биргаликда ҳеч қандай эҳтиросларга берилиб кетмай, осойишта вазиятда сулҳ шартномасини ишлаб чиқишлари кўпданоқ зарур бўлиб қолган. Сулҳ шартномасининг тузилиши бундан ўн беш йил муқаддам жаҳон миқёсида рўй берган ёнғиндан қолган чўг билан бурқсиб турган кўмирни ўчирган бўлур эди.

Н. С. Хрушчев шу нарсани алоҳида таъкидлайдики, давлат арбоблари тинчликни мустаҳкамлаш учун асос бўладиган битимлар тузилишини астойдил истаб ва шундай битимлар тузилишига эришишга тайёр бўлганлари тақдирдагина етилган халқаро масалалар юзасидан олиб бориладиган музокаралар манфаат келтиради.

Совет ҳукумати кечиктириб бўлмайдиган халқаро масалаларни тезликда ҳал этишни ва, аввало, **Германия билан сулҳ шартномасини тузиш ва шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш** масаласи юзасидан сулҳ конференцияси ўтказишни амалда кўзда тутган музокараларда қатнашишга тайёрдир. Ҳар иккала герман давлатини — Германия Демократик Республикасини ва Германия Федератив Республикасини шу вақтгача танимаган бошқа мамлакатлар уларни расмий жиҳатдан таниб, улар билан муносабатлар ўрнатадиган бўлсалар, бу ҳол тинчликни мустаҳкамлаш, Европадаги ҳамда бутун дунёдаги аҳволни нормаллаштириш учун яхши натижа берган бўлур эди.

Н. С. Хрушчев мактубининг охирида Ҳиндистон бош министрининг қўшилмаган бошқа мамлакатларнинг раҳбар давлат арбоблари билан биргаликда халқаро вазиятни соғломлаштириш учун кўраётган тадбирларидан мамнун эканлигини билдирди. Сизни ишонтириб айтаманки, дейилади жавоб мактубида, ўзининг тинчлик сиёсатига содиқ бўлган Совет ҳукумати халқларнинг уруш бўлади, деб ваҳимага тушмай, тинч ва равнақ топиш шароитида яшаш имкониятига эга бўлишлари учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўради.

* * *

Шу мазмундаги мактублар қўшилмаган мамлакатлар конференциясида қатнашган ва Н. С. Хрушчевга юборилган мактубни имзолаган бошқа давлат ва ҳукуматларнинг бошлиқларига ҳам юборилди. (ТАСС).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРАЙЛИК

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ БЕРЛИНДАГИ ХАЛҚАРО КАСАБА СОЮЗ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТАБРИГИ

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Германия билан сулҳ шартномаси тузиш учун, Ғарбий Берлин проблемасини тинч ҳал этиш учун, урушғвогарликларига қарши Берлинда бўлиб ўтаётган халқаро касаба союз конференцияси қатнашчиларига хат билан мурожаат қилди. У, Совет ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан конференцияга оташин салом йўллади ва унинг ишида муваффақиятлар тилади.

Н. С. Хрушчев конференция муҳокамасига қўйилган масалалар ниҳоятда муҳим масалалар эканлигини таъкидлагач, бундай деб уқтиради: Ғарб давлатлари сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги таклифимизга жавобан уруш бошлаш билан дағдаға қилмоқдалар, бу уруш ҳозирги шароитда муқаррар суратда жаҳон миқёсидаги термоядро ҳалокатидан иборат бўлур эди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи таъкидлайдики, халқаро ишчилар синфи ва унинг касаба союзлари янги урушнинг олдини олишдек ҳаётий муҳим вазифани ҳал қилишга катта ҳисса қўшмоғи керак. Германия Федератив Республикасининг ишчилар синфи тинчликни сақлаб қолиш учун алоҳида масъулиятлидир, унинг бурчи — герман милитаризми ва реваншизмига қарши курашга бошчилик қилишдан иборат.

Н. С. Хрушчев ишонч билдириб айтадики, Жаҳон касаба союзлари федерациясининг ташаббуси билан чақирилган конференция Европадаги ҳамда бутун дунёдаги меҳнаткашларнинг ва касаба союзларини Германия билан сулҳ шартномаси тузиш, Ғарбий Берлин проблемасини тинч ҳал этиш учун, империалистларнинг ҳарбий иғвогарликларига қарши, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун актив курашга сафарбар этиш ишида, шубҳасиз, катта роль ўйнайди. (ТАСС).

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ОММАВИЙ ВА ҚУЛАЙ БЎЛСИН

Тошкент шаҳар Советининг 20 сентябрда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида нутқ сўзлаган депутатлар умумий овқатланишни янада оммавий, фойдали ва қулай қилиш тўғрисида гапирдилар.

Етти йиллик бошлангандан буён шаҳарда 273 та янги умумий овқатланиш корхонаси очилди. Бу йил масаллиқ фабрикаси ишга тушириди, бу фабрика кўпгина ошхоналар учун хом таомлар тайёрлаб беради. Шаҳарнинг турли районларида енгил типдаги кафе бинолари, пазандалик буюмлари сотадиган янги магазинлар вужудга келди. Савдонинг прогрессив формалари жорий қилинмоқда. Умумий овқатланиш корхоналарининг 95 процентида хўрандаларнинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди. Дастлабки ярим йилнинг ўзидагина аҳолига 51 миллион турли таом сотилди. Хом таомлар сотиш икки баравар ортди.

Шаҳар райижрокомларида ишлаётган штатсиз савдо ва умумий овқатланиш бўлимлари фаолиятчан бўлиб чиқди. Фрунзе районида жамоатчилар ошхоналарнинг тўғри жойлаштирилишига эришаётганликларини, савдо қоидаларини бузувчиларга қарши кураш олиб бораётганликларини, ижроия комитетига аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлларини айтиб бераётганликларини кўрсатувчи мисоллар сессияда келтириб ўтилди.

Шаҳар Совети умумий овқатланишни ривожлантиришнинг кенг кўламдаги планини тасдиқлади. Планда таомлар ассортиментини, хусусан миллий таомларни кўпайтиришга, мактаблар қошидаги буфетлар ва ошхоналар таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Кўп миқдорда умумий овқатланиш корхоналари очиш мўлжалланади. Бу йил Чилонзордаги савдо марказида бир қанча янги ошхона, ресторан, кафе, пазандалик магазини вужудга келтирилади. Уйга таом сотиш, таомларни абонементлар бўйича сотиш кенг ривожлантирилади.

Сессия Тошкентда уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлашни яхшилаш тадбирларига доир масалани ҳам қараб чиқди. (ЎзТАГ).



ТОШКЕНТНИНГ ЯНГИ ВОКЗАЛИ

Республикамиз пойтахтида яна бир кўркам иншоот қад кўтарди. Унинг олдида Тошкентнинг эски вокзали жуда кичик ва кўримсиз бўлиб қолди.

Вокзалдаги янги уч қаватли бинода йўловчилар учун, шу билан бирга темир йўл хизматчилари учун ҳамма қулайликлар бор. Эски вокзал биносидан уч баравар катта бўлган бу бинода 4 зал, она ва болалар хонаси, меҳмонхона, тоннель, ёз вақтида кутиш учун иккн ҳовли бор. Вокзалнинг бутун улкан биносида ҳаво доимий суратда янгиланиб туради.

Лойиҳа автори «Ташгипротранс» институтининг архитектори Л. Н. Травянко бинони ўзбек меъморчилигининг энг гўзал намуналаридан фойдаланиб қуришни кўзда тутган. СССР Транспорт қурилиши министрлигига қарашли «Средазтранс-строй» трестининг 209-қурилиш бошқармаси бинокорлари лойиҳа авторининг режаларини моҳирлик билан рўёбга чиқарганлар. Вино пештоқи ва кираверишида ҳаворанг, зангори, кўк, оқ ва бошқа ранглар оппоқ очилган пахта тасвирига едирилиб, шундай ишлатилганки, унда миллий колорит ва социалистик мазмун акс этган.

Вокзал янги биносининг совет бинокорлиги эришган энг яхши тажрибалар асосида қурилишида Москва метрополитени мутахассисларининг ҳам хизмати катта бўлди. Латвия Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари оригинал ёритиш арматуралари ва ҳавони доимий суратда тозалаб турадиган аппаратлар етказиб берди.

Бинони барпо этишда қатнашган ижодкор бинокорларнинг хизматини алоҳида тақдирлаб ўтмоқ лозим. Мели Расулов бошлиқ суворқилар, Николай Бухаров бошлиқ бетончилар, Вера Ҳасанова бошлиқ транспорт ишчилари, Петр Майоров бошлиқ дурадгорлар ва бошқа кўпгина ўртоқлар қунт ва сабот билан ишлаб, вокзалнинг янги биносини тез, шинам ва гўзал қилиб қурдилар.

Шундай қилиб Тошкентнинг эски вокзали ўрнида Совет Иттифоқининг энг гўзал вокзалларидан бири қад кўтарди. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди арафасида битказилган бу иншоотни бинокорлар КПСС XXII съездига бағишладилар.

Янги вокзал фойдаланишга топширилди.

С. ТОИРОВ.

Суратда: янги вокзал биноси.

И. Глауберзон фотоси.

ЖОНЛИ КЎЛ



ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙСИН

«Конимех» қоракўлчилик совхози кейинги йилларда мол туёғини кўпайтириб ва наслини яхшилаб Бухоро областидаги йирик хўжаликлардан бирига айланди.

Хўжалигимизнинг чорвачиликни ривожлантиришдаги, қўй гўшти, жун ва қимматли маҳсулот — қоракўл тери етиштиришдаги катта муваффақиятларни Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида намойиш қилинди.

Ўтган йили совхозимиз қоракўл наслчилик заводига айлантирилди. Чорвадорларимиз КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини турмушга татбиқ қилиб, чорвадорлар учун бирмунча ноқулай келган бу йилги қийинчиликларни фидокорона енгиб, янада яхши кўрсаткичга эришдилар. Совлиқлардан қўзи олиш асосан бажарилди. Қўйчиликни ривожлантириш плани 114, шу жумладан совлиқ сақлаш плани 110 процент қилиб бажарилди. Қўйлар яйловлардаги қудуқлар орқали бир неча марта ювилди. Натижада қўйлардан сифатли жун қирқиб олинди.

Заводимиз коллективи КПСС XXII съезди шарафига йиллик гўшт тайёрлаш мажбуриятини бажаришга аҳд қилганлар.

Биз ўтган саккиз ойликда ўн ойлик гўшт топшириш плани. ни бажардик. Ҳар бир қўйнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 50 килограммдан бўлиши таъминланди.

Бу соҳада иккинчи ва тўртинчи фермаларимиз чорвадорлари ташаббус кўрсатдилар. Ўртоқ Кеулимбой Кингилов бошқараётган иккинчи фермада гўштга топширилган қўйларнинг тирик вазни нормадаги 38 килограмм ўрнига 52 килограммга етказилди. Тўхтар Янгиберганов, Хидир Назаров бошлиқ отарлар гўштга топширилган қўйларнинг тирик вазнини бундан ҳам оширдилар.

Чорвадорларимиз партия XXII съезди очиладиган кунгача гўшт ва жун тайёрлаш йиллик планларини тўла бажардилар, бунинг учун барча резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланадилар.

Ш. КУЗЕНБОЕВ,

Бухоро область, «Конимех» қоракўл-наслчилик заводининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXII съездининг делегати.

Ўзбекистон ССР Мирзачўл районн атрофида Сирдарёга яқин жойда беполён кўл ойнадек ярқирайди.

Бу «Гулистон» совхозининг паррандачилик фермаси. Парранда чилар бу йил иннубатордан 120 мингта ўрдак жўжаси олишга муваффақ бўлдилар. Бу ўрдаклар яхши боқилиб, давлатга 40 тонна эъло навли парранда гўштн топширилди. Мирзачўлдаги колхоз ва совхозларга 35 минг ўрдак боласи сотилди. Ҳозир инкубаторда очириш учун яна 7 минг дона тухум бостирилди.

Саодат Файзиева паррандаларни яхши боқади.

Суратда: Паррандалар қони — жонли кўл.

К. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

КУРКАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарорларида ва шу Пленумда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган тарихий нутқида гўшт маҳсулотларини кўплаб етиштиришда паррандачиликнинг катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган. Куркачилик паррандачиликнинг сердаромад тармоғи бўлиб, уни тез ривожлантириш муҳим вазифалардандир.

Шуни назарда тутиб, Фориш районида бунга зўр эътибор берилмоқда. «Коммунизм» наслчилик заводида ташкил қилинган куркачилик фермасида диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Заводда куркачилик фермасининг ташкил бўлганига атиги икки йил бўлди. Фермага коммунист Содиқ Раҳмонов раҳбарлик қилади. Фермада дастлаб 158 курка бўлган бўлса, ҳозир 7 мингга етди. 1960 йилда давлатга 7.5 тонна курка гўшти топширилди. Ҳар бир куркадан ўртача оғирлиги мажбуриятдаги 6.5 килограмм ўрнига 7 килограммга етказилди.

Куркачилик фермасининг ишчилари КПССнинг XXII съезди шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар бу йил давлатга 25 тонна курка гўшти топшириш, ҳар бир куркани 7 килограммга етказиш мажбуриятини шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Курка боқувчилар — комсомол аъзоси Истам Худойбердиев, Салима Раҳмонова ва Нур Ғойбуллаевларнинг астойдил жонбозлик қилиши туфайли яхши натижаларга эришилди. Ҳозир давлатга 11 тонна курка гўшти топширилди. Ҳар бир курка 7.5 килограммдан келди. Шу кунларда гўштга топшириш учун яна 1000 та курка боқилмоқда. Ферма ишчилари КПССнинг XXII съездигача олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун курашмоқдалар.

— Шу кунларда, — дейди куркачилик фермасининг бошлиғи ўртоқ С. Раҳмонов,—фермамиздаги барча ишчилар КПССнинг янги Программаси ва Устави проектларини қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Улар бахт-саодат программаси ҳисобланган бу тарихий ҳужжатни чин қалбдан маъқулламоқдалар.

«Коммунизм» наслчилик заводи биргина Фориш районидагина эмас, областнинг бошқа районларида ҳам куркачиликни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Куркачилик фермаси бу йил 50 минг дона курка тухумини етказиб берди. Бу тухумлар Жиззах районидаги инкубаторияда очирилиб, жўжалари «Фориш» ва Киров номли совхозларга ҳамда қўшни Зомин, Ғаллаорол, Каттақўрғон ва Нурота районларидаги чорвачилик совхозларига тарқатилди. Куркачиликни янада ривожлантириш мақсадида районнинг ўзида янги инкубатория қурилмоқда.

Куркаларни зоотехника қоидалари асосида парвариш қилишда наслчилик заводининг зоотехниклари Ҳ. Эгамов, А. Сафаров ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходими З. Ашуров ўртоқлар алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

Фориш район партия ва совет ташкилотлари, совхоз мутахассислари гўшт етиштиришнинг сердаромад тармоғи бўлган куркачиликни район хўжаликларининг ҳаммасида ривожлантириш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

М. МАЛИКОВ,

«Париж Коммунаси» газетасининг редактори, «Қизил Ўзбекистон»нинг мухбирлар пости бошлиғи.

Л. И. БРЕЖНЕВ ХЕЛЬСИНКИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 22 сентябрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Финляндия Республикасининг Президенти У. Кекконеннинг таклифига биноан расмий визит билан бугун Хельсинкига келди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ЖАҲОН ФОРУМИ

БЕРЛИН, 22 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда халқаро касаба союз конференцияси очилди. Жаҳон касаба союзлар федерацияси ва Эркин немис касаба союзлари бирлашмасининг ташаббуси билан чақирилган бу конференциянинг қатнашчилари герман сулҳ шартномасини тузиш, Ғарбий Берлин проблемасини тинч йўл билан ҳал қилиш, умумий тинчликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қиладилар. Конференция ишида Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари меҳнаткашлари касаба союзларининг вакиллари қатнашмоқда.

ҲАММА КУЧНИ УРУШ ХАТАРИГА ҚАРШИ КУРАШГА САФАРБАР ЭТАЙЛИК

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми ўз ишини тамомлади

ВАРШАВА, 22 сентябрь. (ТАСС). Варшавада Жаҳон Тинчлик Кенгаши президиумининг икки кунлик сессияси тамом бўлди. Шу муносабат билан Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ижрочи президенти профессор Ж. Бернал Польша матбуот агентлиги вакилларига қуйидагиларни айтди:

СССР ва АҚШ ҳукуматларининг қуролсизланиш юзасидан олиб бориладиган музокараларнинг принциплари тўғрисидаги қўшма баёноти сессия ишида ўз аксини топди.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми қуролсизланиш сингари муҳим проблемани чуқурлаштириб, барча мамлакатларнинг ҳукуматларини тегишли контроль остида ёппасига қуролсизланишни амалга ошириш мақсадида тегишли тадбирлар кўришга даъват этишга қарор қилди. Қуролсизланишнинг амалга оширилиши ядро қуролининг барча синовларига чек қўйган бўлур эди.

Мен шуни таъкидлаб ўтишни истар эдимки, деди профессор Бернал, бизнинг таклифларимиз Совет-Америка баёноти тезисларига мос бўлиб тушмоқда.

Биз, деди сўнгра Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ижрочи президенти, Германия проблемасига кўп эътибор бердик. Биз мавжуд иккала герман давлатини ва уларнинг ҳозирги чегараларини таниш йўли билан, шунингдек Ғарбий Берлиннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳимояси остида эркин шаҳар бўлишини гарантиялаш йўли билан ана шу проблемани ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти XVI сессиясининг рансига, президент Кеннедига ва СССР Министрлар Советининг Раиси Хрушчевга телеграммалар юборишга қарор қилди, бу телеграммаларда бизнинг таклифларимиз аниқ баён қилиб берилади.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президиуми резолюция ва бошқа бир қанча ҳужжатлар ҳам қабул қилди.

Менинг фикримча, деди пировардида профессор Бернал, бизнинг сессиямиз ғоят самарали бўлди ва у, бутун дунёдаги тинчлик кучларини уруш хатарига қарши курашга янада сафарбар этишга ёрдам беради.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

◆ **ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ** билан Польша Халқ Республикаси ўртасида Пекинда илмий техника ҳамкорлиги тўғрисидаги протокол имзоланди. Протоколга мувофиқ, ҳар иккала томон бир-бирларига техник ҳужжатларни беради ва химия, кўмир, машинасозлик ва енгил саноат соҳасида бир-бирларига мутахассислар юборибтурадилар.

◆ **ПОЛЬША.** 20 сентябрда Люблинда қишлоқ медицинаси масалалари бўйича биринчи халқаро симпозиум ўз ишини тамомлади. Симпозиумда социалистик мамлакатларнинг вакиллари қатнашдилар. Симпозиум қатнашчилари қишлоқда гигиена, қишлоқ аҳолисининг профессионал касалликлари, ҳайвонлардан юқадиган касалликлар масалаларига, шунингдек қишлоқ коммунал хўжалиги масалаларига доир 26 та илмий доклад тингладилар.

◆ **ГРЕЦИЯДА** чиқадиган газеталар Караманлис ҳукуматининг истеъфо берганлиги, хизмат ҳукуматининг тузилганлиги ҳақида хабар берадилар. Король ҳарбий уйининг бошлиғи, Греция бош штабининг собиқ бошлиғи отставкадаги генерал-лейтенант К. Довас 29 октябрда парламент сайловлари ўтказувчи ана шу хизмат ҳукуматининг бош министри қилиб тайинланди.

◆ **ИЗМИРДА** 30- халқаро Измир ярмаркаси ёпилди. Ҳамманинг эътироф этишича, совет павильони гоят катта муваффақият қозонган. Бир ой мобайнида бу павильонда бир миллиондан кўпроқ киши бўлган. Совет павильонининг муваффақияти Туркия савдо-саноат доираларининг СССРнинг виставкада қатнашган турли ташқи савдо бирлашмалари билан битим тузишларига ёрдам берди.

КАТАНГАДА АҲВОЛ

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Леопольдвилдан хабар беради: бугун эрталаб Элизабетвилда Катанга қўшинлари билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўшинлари ўртасидаги уруш ҳаракатлари тўхтатилди.

Катанга сепаратчиларининг бошлиғи Чомбе билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги миссияси вакили Хнари ўртасида кеча Ндолада уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида имзоланган вақтинча битимнинг оқибати бўлган бу «ярашув» аслини олганда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўмондонлигининг Катанга сепаратчиларга яна бир ён беришидан бошқа нарса эмас, чунки Чомбе Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қўшинларини Катангадан олиб чиқиб кетишни битим шартларидан бири қилиб қўйди.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

24 СЕНТЯБРДА

12.00 — СССР Министрлар Советн раиси Н. С. Хрушчевнинг 1961 йил 7 августда радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқи, 13.30 — Қардош Венгрия (ўзбек тилида ҳужжатли фильм) 13.50 — Ленин Октябрда номли бадиий фильм (ўзбек тилида). 18.50 — Съезд шарафига, 19.10 — Концерт (Ўзбекистон Компартияси XVI съезди делегатлари учун). 20.40 — Телевизион янгиликлар, 21.00 — Казаклар номли бадиий фильм.

25 СЕНТЯБРДА

18.30 — Пионерлик саломимиз, Коммунист образи кинода, 19.50 — Партия съезди делегатлари студиямизда, 20.00 — Ўзбекистон Компартияси XVI съезди делегатларига бағишланган концерт, танаффус вақтида — Телевизион янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА 24/IX да эрталаб Олтин калит, кечқурун Сўна.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 24/IX да эрталаб Имон, кечқурун Фауст ва Ўлим, 26/IX да Гамлет.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 24/IX да Ошиқ Ғариб.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Дўстим, Колька — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 ва 11 яримда), «МИР» (эрталаб 10, кундуз 2 ва кеч 10 да), НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (кундуз).

ЧП (Фавқулодда ҳодиса, 1 ва 2-серия, кундуз соат 2 ярим ва кеч 5 яримда), — Фортуна, Мамлун (кеч 8 яримда), Бир дарё бўйида (кундуз 12 ва 2 да) — «ВАТАН».

Хазиналар ороли (кундуз соат 12.4 ва кеч 8 да), Алёшанинг севгиси (кеч 6 да) — «МИР».

Нормандия—Неман — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Инспектор визити—«ИСКРА» (кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Юлдуз — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 4 да).

Иван Рибанов — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Варшава сиренаси — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун). Сукунат оламида (кеч соат 9-20 минутда)—КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Раис-Марказий ҳукумчи — «ОКТЯБРЬ».

Бир дарё бўйида (кеч соат 9-45 минутда) — «ВАТАН».

Дўстим, Колька — НАВОИЙ номли, КАФАНОВ номли (кеч соат 8-20 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 да), ПУШКИН номли (кеч 7 яримда).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780. Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбечистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри Р 01095 Нашр. Б. 225.